

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Суд-хуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экзгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилади; судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидagi эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилади; терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинади; фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибда қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилади; вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибда кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибда протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилинади; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларини назорат тартибда кўриб чиқиш бўйича бир-бирини тақрорловчи ваколатлари бекор қилинади; адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасида

сидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилади; ҳўжалик судлари тизимиди минтақавий апелляция судлари ташкил этилади. 4. Суд-хуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин. 5. Суд-хуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури аналга ошириш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин. Комиссия (И. Б. Абдуллаев); вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини ташкил этсин;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур танқидий таҳлил қилиш, илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқиши-ни таъминласин; қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамнатчилик ўртасида, шу жумладан, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали кенг муҳокама қилиш-ни ташкил этиш чораларини кўрсин; Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли тайёрлини ва ўз вақтида белгиланган тартибда киритилиши, шунингдек бошқа тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин. 6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги илгор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида 2017 йил 1 июлга қадар: суд-прокурор ходимлари малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш-да уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайти-

риш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш; томонларнинг ярашганлиги муносабат-ти билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти кенгайтириш; ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш; жиноят ишини қўзғатиш фақат жабрланувчининг аризасига кўра амалга ошириладиган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш; фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш; электрон тартибда суд ва ижро ишини юртишнинг замонавий шакл ва усуллари, шунингдек одил судловга эришишнинг илгор механизмларини кенгрок жорий этиш орқали одил судловни амалга

ошириш сифатини яхшилашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқсин ва киритсин. 7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда илгор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида уч ойлик муддатда: давлат органларида юридик хизматнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш; адлия органлари тизимиди юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш бўйича тузилмалар ташкил қилишни назарда тутувчи таклифларни киритсин. 8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. А. Коканбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи
Тошкент шаҳри,
2016 йил 21 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا
ШАРҲ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар суд-хуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, қуйидаги учта асосий устувор йўналишларни белгиллаб берди:

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш;
фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;
одил судловга эришиш даражасини ошириш.

Мазкур устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари этиб:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида белгиланган судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунуши ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари оғишмай амал қилинишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга таъжовуз қилиш ҳолатлари юзасидан барча зарур чораларни кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартибини бузиш ва сансалорликка йўл қўймаслик;

тегишли ахборотни ўз вақтида жоғатчиликка етказиш орқали фаолиятнинг очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ах-

борот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик самардорлигини ошириш;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали тизимли камчилик ва қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш, иш фаолиятига илгор илмий-техника воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

идоравий назоратни кучайтириш, ходимлар ўртасида суиистеъмоличлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, кадрлар таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, кадрларни танлашнинг энг муносиб номзодларини ишга қабул қилишни таъминладиган замонавий механизмларини жорий этиш белгиланди.

Фармонга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди.

Хусусан, судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Киритилган бундай ўзгаришлар халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига тўлиқ мос келади.

Шу билан бирга, Фармон билан 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришнинг инноватга олган ҳолда одил судлов самардорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгаришлар киритилмоқда.

Жумладан, қамоқ тарзидagi жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш бўйича бозлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилмоқда.

Яъни жиноий жазолар тизими-

дан нисбатан қаттиқ таъсир чораларидан бири чиқарилаётганлиги жиноий жазоларни либераллаштиришга, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илгор шакл ва услубларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида:

жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга; қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидagi эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича қабул қилишни таъминлайдиган замонавий механизмларини кўриб чиқиш бўйича қисқартирилмоқда.

Ушбу чораларнинг жорий этилиши, бир томондан, фуқароларнинг эркинлигини асоссиз чеклаш ҳолатларидан ҳимоя қилинишини, иккинчи томондан, суриштирув ва тергов органларининг масъулияти ва фаолияти самардорлигини ошириш таъминланди.

"Хабас корпус" институти қўлланилини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экзгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилмоқда.

Бу ўзгаришлар инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақи эмаслиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мос келади.

Бундан ташқари, судга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидagi эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш имконияти беришмоқда.

Судда иш юртиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктиришни бар-

тарфат этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинаётганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибда қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи муддатнинг 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши эса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралик инстанцияларни бартараф этиш мақсадида Фармонда вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибда қайта кўриш бўйича бир-бирини тақрорловчи инстанциялар тугатилиб, ўз навбатида, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибда протест келтириш ваколати бекор қилиниши назарда тутилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларини назорат тартибда кўришга оид бир-бирини тақрорловчи ваколатлари бекор қилинмоқда.

Ортиқча ва бир-бирини тақрорловчи инстанцияларнинг бекор қилиниши айнан бир назорат инстанцияси томонидан ишларнинг бир неча бор кўриб чиқилишини олдини олади, суд қарорларининг узил-кесиллиги ва барқарорлигини таъминлаб, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада оширади.

Шунингдек Фармонда вилоят ҳўжалик судларининг қарорларини ўзлари томонидан қайта кўриш ваколатини чеклаш мақсадида ушбу судлар тизимиди минтақавий апелляция судларини ташкил этиш назарда тутилди.

Фармоннинг суд ҳокимияти мустақиллиги асосларини мустаҳкам-

ловчи алоҳида аҳамиятли томони адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилаётганлигидир.

Ушбу чора судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фаолиятига аралашмаслигининг қўшимча кафолатларини яратди.

Шу билан бирга, Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идораларга 2017 йил 1 июлга қадар илгор хорижий тажрибани ўрганиш ҳолда қуйидаги масалалар бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш топширилди:

суд-прокурор ходимларининг малакасини ошириш ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш;

Ўзбек халқининг эзгулик ва раҳмдиллик каби кўп асрлик анъаналарига мос бўлган ярашув институти жиноят процессида қўллаш доирасини кенгайтириш. Бу норма қонунни четлаб ўтган, содир этган қилмишидан пушаймон бўлган ва етказилган зиёни қоплаган фуқароларни жавобгарликдан озод қилиш имконини беради;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим турдаги жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш; жабрланувчининг аризаси асосида жиноят иши қўзғатилиши мумкин бўлган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш;

электрон тартибда суд ва ижро иши юртишнинг замонавий шакл ва усуллари, одил судловга эришишнинг илгор механизмларини жорий этиш орқали одил судлов сифатини ошириш. Бу ташаббуснинг амалга оширилиши суд фаолиятининг самардорлигига, шу-

нингдек "Электрон ҳуқумат тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш доирасида республикани ривожлантиришнинг замонавий босқич талабларига тўлиқ асосланган одил судловнинг жамоатчилик учун очкилиги, шаффофлиги ва эркинлиги принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қонунийлики таъминлашда ҳамда мамлакатимизда ислохотларни самарали рўйбга чиқаришда юридик хизматлар ролини ошириш мақсадида давлат органларининг юридик хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Қайд этилган асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Фармон билан суд-хуқуқ тизимини ривожлантириш борасида 8 та энг устувор соҳалар бўйича 45 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Фармонни ижро этиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини изчил такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор алоҳида қонунлар, шу жумладан "Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Медиацация тўғрисида"ги, "Маъмурий судлов ишларини юртиш тўғрисида"ги Қонунларни қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Ушбу дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши мамлакатнинг суд-хуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

НАТИЖА ВА ГАЛДАГИ РЕЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

Вилоят ҳокимлигининг маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ёшлар сиёсати бўйича мажмуасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи бошқармалар, идора ва муассасалар, ҳамкор ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Вилоят ҳокимлиги котибият мудири Д. Чинниев бошқарган йиғилиш мажмуанинг 2016 йилнинг ўтган тўққиз ойидаги фаолияти таҳлилига бағишланди.

Вилоят ҳокимлигида

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида мажмуа зиммасидаги қўламли вазифалар, манзилли дастурларда белгиланган чора-тадбирлар изчиллик билан рўйбга чиқарилди. Хусусан, ҳуқуқ-тартиб идоралари фаолияти самардорлигини ошириш, маҳаллалар билан ишлаш,

аҳоли муносабатларида кўтарилаётган масалаларга вақтида, ижобий ечим топишда тажрибалар тўпланди. Айниқса, ёшларга оид давлат сиёсатини бекаму кўст амалга оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида жиноятчиликнинг олдини олиш, таълим, маҳаллалар билан ишлаш,

бандлик, ижтимоий ҳимоя каби қатор жабҳалардаги ишлар самардорлиги сезиларли даражада ортди. Бундан шахар ва туман марказларидан тартиб, энг чекка аҳоли пунктларига қадар кириб борилаётгани, таълим муассасалари, маҳаллаларда, кенг жамоатчилик иштироки-



Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.

да ўтказилаётган амалий мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазамлик касб этаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Йиғилишда кун тартибидидаги масалалар юзасидан мутасадди идораларнинг ҳисобот ва ахборотлари

тинглини, айрим йўналишларда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга оид аниқ вазифалар, таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Яқунда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Алишер РАҲМАТОВ.

Мамлакатимизда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларни маънавий-ахлоқий ёт зарарли гоёлар таъсиридан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Уйғоқ одам қоқилмайди

Паркент хизмат кўрсатиш касб-ҳунара коллежида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир шу мавзуга бағишланди.

Таъкидланганидек, бугун юртимизда илм ва тафаккур, билим ва салоҳияти билан ҳеч қимдан кам бўлмаган навқирон авлод вояга етмоқда. Айни пайтда ёшларни тўғри йўлдан адаштириш, соғлом маънавий-маърифий муҳитни бузиш, "оммавий маданият" ниқоби остида гаварил мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилаётган қора кучлар ҳам бор.

Давра суҳбатидида сўзга чиққанлар аҳоли, айниқса, ёш авлодни турли гоёвий ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, муқаддас динимизни ниқоб қилиб, фарзандларимиз онгини заҳарлашга ҳаракат қилаётган, диний ақидапарастлик ва миссионерлики тарғиб этаётган бундай кучларга нисбатан бефарқ бўлмаслик ҳамда бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўз муҳбиримиз.

4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

2016 йил 14 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг X қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифаларини муҳокама этиш, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устави-га қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов тизими, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида оид мустахкам ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI пленумида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан таклиф қилинган – ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хотамжон Абдурахмонович Кетмонов номзоди тасдиқланди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидлангани, Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури партиянинг асосий мақсадларига асосланади. Унинг устуворлиги жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қучли ижтимоий сиёсатни юритишдан иборатдир.

Сайловолди дастурида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишини, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишини, ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратилишини, пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизими шакллантирилиши билан боғлиқ масалалар қамраб олинган.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар белгиланган.

Сайлов кампаниясининг барча босқичларида партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида тузилган штаблар фаолиятини самарали ташкил этиш, сайлов участкаларида иштирок этидиган кузатувчиларни ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, билим ва кўникмаларини ҳар томонлама ошириш, ишончли вакилларнинг ўз ваколатларини тўлақонли бажаришлари учун шарт-шароитларни яратиш, сайловолди ташвиқотини самарали олиб бориш бўйича тавсиялар берилди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уставида қонунчиликка мувофиқ тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ"
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИ

2016 йил 15 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди.

Съездда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни тасдиқлаш масаласи муҳокама этилди.

Амалдаги сайлов қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир. Қонунчилик ва партиянинг уставида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига партия томонидан номзод кўрсатиш партиянинг олий органи – съезди томонидан амалга оширилади.

Делегатлар партиянинг VII пленумида тавсия этилган "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Садуллаев Отамуратовни партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида тасдиқлади.

Съездда номзод делегатларни сайловолди дастури билан таништирди. Делегатлар мазкур дастур юзасидан фикр-мулоҳаза билдирди.

Съездда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотлар натижасида сиёсий партиялар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Улардан тўла фойдаланган ҳолда партия электорати ҳамда дастурий мақсад ва ғоялардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш муҳим вазифадир.

Съездда номзод ва ишончли вакилларнинг амалдаги сайлов қонунчилигида белгиланган нормалар асосида сайловчилар билан учрашувларини юқори савияда ташкил этиш, сайловолди ташвиқоти жараёнида номзоднинг сайловолди дастурини кенг ташвиқот қилиш, бу борада оммавий ахборот воситаларида ажратилган жой ва эфир вақтларидан самарали фойдаланиш, барча даражадаги партия ташкилотларининг фаол иштирокини йўлга қўйиш, ташвиқот материалларини тайёрлаш ҳамда партиянинг сайлов участкаларидаги муносиб кузатувчиларни танлаш каби бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди ва тегишли вазифалар белгиланди.

Съезд кун тартибидидаги бошқа масалалар бўйича ҳам ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари олдида тегишли вазифалар қўйилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга асосан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни сўраб, партия томонидан Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

Съезд якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди.

"АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING
ҚУРУЛТОЙИ

2016 йил 15 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг VIII қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултойда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди ва унинг сайловолди дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан жорий йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови эълон қилинди.

"Адолат" СДП ҳам мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизга янада тўқис, фаровон турмуш шароитларини яратиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳалардаги ислохотларда фаол иштирок этишни мақсад қилган сиёсий куч сифатида ушбу сайловда муносиб иштирок этишга киришди.

Қурултойда жорий йил 17 сентябрь куни бўлиб ўтган "Адолат" СДП Сиёсий кенгашининг VI пленуми қарорига мувофиқ партия Сиёсий кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Мажитович Умаровнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилиши муҳокама қилинди.

Қурултой иштирокчилари "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди Н. Умаров етарли ҳаётий тажрибага эга экани, сафдошлари орасида обрў-эътибор қозонганини инобатга олган ҳолда бўлажак сайловда иштирок этиш учун муносиб номзод эканини қайд этди.

Делегатлар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24 ва 242-моддаларига мувофиқ, "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Наримон Мажитович Умаровни номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг қурултой иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Адолат" СДП номзодининг сайловолди дастури билан танишди.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққанлар партия номзодининг сайловолди дастури партия дастурий вазифаларига тўла мос экани, унинг мазмун-моҳиятида мамлакатимизни ҳар соҳада ривожлантириш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, халқимиз учун тинч ва фаровон турмуш шароитини яратишдек устувор ғоя ва мақсадлар мужасамлигини таъкидлади.

Қурултойда номзоднинг сайловолди дастури маъқулланди ва сайловолди ташвиқотини олиб боришда фойдаланиш учун партиянинг марказий ва қўйи ташкилотларига тавсия этилди.

Қурултой якунида делегатлар "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш масаласига тўхталиб ўтди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Қурултой якунлари бўйича журналистлар учун брифинг ташкил этилди.

ТАДБИРКОРЛАР ВА
ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ –
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING VIII СЪЕЗДИ

2016 йил 19 октябрь куни Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган 300 га яқин делегат катнашди.

Съезд иштирокчилари 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа эканлиги, унда ЎзЛиДеПнинг фаол иштирок этиши лозимлигини қайд этди.

Анжуман қатнашчилари таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида тўб ўзгаришлар амалга оширилди. Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам асослари яратилди. Демократик ҳуқуқий давлат, қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор иқтисодиёти таъминлашга ўтиш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Қонун устуворлиги, кўппартиявийлик, демократик сайловлар мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётининг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Съезд иштирокчилари томонидан юртимизда ҳар томонлама ўзини оқлаган ислохотларнинг давомийлигини, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бориш вакиллик органларида энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган етакчи сиёсий куч сифатида ЎзЛиДеП учун бундан буюн ҳам асосий мақсад бўлиб қолиши таъкидланди.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ЎзЛиДеПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, ўтган йиллар давомида юртимизда амалга оширилган ривожланиш йўлини янги, юксак босқичга кўтаришга қодир, ислохотларнинг тўб моҳиятини аниқ биладиган, уларни амалга ошириш жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлган, халқ тақдирини ўз тақдирини билан ҳамбарчас боғлаб, доимо эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, ташаббускор ва ташкилотчи шахс номзодини илгари суриш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Ана шу ҳолатларни ҳамда съезд делегатларининг чиқишларида ўз ақсини топган сайловчилар ва кўп сонли партия электорати вакиллари фикрларини инобатга олган ҳолда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон-Либерал демократик партиясининг съезди бўлажак сайловда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кенг мисқили ислохотларни амалга ошириш, мустақил давлатчилик асосларини барпо этиш ва мустаҳкамлашда, бозор таъминоти асосланган мустақил янги иқтисодий тизимни шакллантиришда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовга узоқ йиллар елкадош бўлиб ишлаган, ўзининг бутун меҳнат фаолиятини Ватанимиз равнақида бағишлаб келаётган инсон, ўзининг амалий фаолияти билан юртдошларимиз орасида ҳақли равишда катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозongan, партия Сиёсий Кенгашининг аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тадбирда ЎзЛиДеП томонидан кўрсатилаётган номзод шу йилнинг 4 декабрда бўлиб ўтадиган сайловда халқимиз томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдирилди.

Съездда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Съезд қарорига кўра ЎзЛиДеП қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партия номзодини рўйхатга олишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этади.

Съездда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Съезд якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди.

МАСЪУЛИЯТ – БОШ МЕЗОН

Овоз беришни ташкил этиш учун туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳар бир сайлов участкасига ажратган бинода ёритиш мосламалари ва ёзув анжомлари билан таъминланган алоҳида хоналарни тайёрлайди. Овоз бериш биносидаги ахборот тахтасига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонундан ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлиқни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормаларидан кўчирмалар, овоз бериш тартиби, Президентликка номзодларнинг таржimai ҳоли ва дастури, сайловчилар рўйхатини жойлаштириш тавсия этилади.

Сайловчилар рўйхатини тузишда участка сайлов комиссияси сайловчи фақат битта рўйхатга киритилиши лозимлигини инобатга олиши керак. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилувчи фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

Шунингдек, тегишли ҳудудда яшовчи сайловчилар тўғрисида ҳокимликлар берган маълумотларнинг тўғрилигини хонадонларни бирма-бир айланиб чиқиш орқали текширади, яъни аниқлик қиритади. Комиссия сайловчилар рўйхатини тузишга жамоатчилик вакилларини жалб қилиши мумкин.

Агар сайлов участкаси ҳудудида вақтинча яшаётган фуқаролар овоз бериш кунини шу ҳудудда бўлишса, сайловчилар рўйхатига киритилади. Бунда участка сайлов комиссияси ушбу фуқароларнинг доимий яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясига ушбу фуқароларни яшаш жойидаги сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш зарурлиги ҳақидаги ахборотни етказиши лозим.

Сайловчилар рўйхати аниқлаштирилган, участка сайлов комиссияси сай-

ловчилар рўйхатини тузади ва уни комиссия раиси ва котиби имзолайди, муҳр билан тасдиқланади ва сайловдан ўн беш кун аввал ҳамма танишиб чиқиш учун тақдим этилади. Бу фуқароларга рўйхат тўғри тузилганини текшириш имконини беради. Сайловчилар рўйхатида хато ва ноаниқликлар аниқланган тақдирда, ҳар бир фуқаро участка сайлов комиссиясига мурожаат этишга ва рўйхатга киритилгани, нотўғри киритилгани ёки рўйхатдан чиқариб ташлаш кераклиги, шунингдек, сайловчи тўғрисидаги маълумотларда йўл қўйилган ноаниқликлар устидан шикоят қилишга ҳақли. Бу масала бўйича аризон участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соатдан кечикмай, сайлов арафасида ва сайлов кунини эса дарҳол кўриб чиқиши, рўйхатга зарур ўзгаришлар киритиши ёхуд ариза берувчига унинг талаби рад этилгани тўғрисидаги асосли қарор нусхасини бериши шарт.

Раъно ТУРДИБЕКОВА,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти сайловини
ўтказувчи 10-Тошкент
вилояти округ сайлов
комиссияси аъзоси.

Пискент туманидаги 8-мактабга келган меҳмонлар ўқитувчиларнинг таълим-тарбияни янада такомиллаштиришга оид изланишлари ва тажрибаларини кўриб, "ўрганса арзийди" деб дилга тугсалар, илм даргоҳининг томорқасидаги деҳқончиликни кузатиб, ҳаваслари келади.

КЕЛИНГ, КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ

Томорқага ҳар йили турли сабзавот екишдан "зериккан" мактаб раҳбари Махмуд Абдурахимов 2013 йилда ёнига кимё ва биология фани

ўқитувчиларини олиб, лимонзор ташкил этишга киришди. Ер 1,5 метр чуқурликда қавлашиб, кучсизланган тупроқни унмдор қилиш учун ма-

ҳаллий ўғитга тў-йинтирилди. Шундан сўнг ҳандақ усулида иссиқхона қурилиб, 10 тип лимон экилди ва кейинги йилиёқ нишона ҳосил

олинди. Бугун эса лимонзордаги ҳосил чўғи кўзни қувонтиради.

Тажриба муваффақиятли чиққач, педагогик жамоа иссиқхона шароитида ток парвариш-лашга киришди. Бу йил узумнинг чиллаки навидан 15 тути экилди. Иккала иссиқхонани қуришда 3 йил олдин экилган тераклар қўл келди. Кесилган теракларнинг ўрнинга эса яна қаламчалар қадалди.

Иссиқхонанинг четидаги бўш ерда гуллар учун жой ҳозирланган. Мақсад – баҳорда мактаб ҳовлиси ва ён-атрофларида экиладиган гулларни четдан олмайд, кўчатларни ўзлари-



Даврон АХМАД олган сурат.

Эълон

"REAL AUKSION" МҲЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилири бўлими томонидан: 01.08.2016 йилдаги 10-1510/12375-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Хизмат ёрдам сервис" МҲЖ биносида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 105 840 000 сўм, 2013 йилда и/ч., дав/рак, 3891НУ бўлган, "Беларусь 1221.2" русумли авто-

транспорт такроран қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2016 йил 7 ноябрь кунини соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 7

ноябрь кунини ўтказиладиган савдоларига 4 ноябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Тузатиш: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2016 йил 8 октябрь 82 (12926)-сонидидаги "бошланғич баҳоси

– 13 947 957 сўм" сўзлари, "бошланғич баҳоси – 10 168 060 сўм" деб ўқилсин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат қелишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган

ҳолда "REAL AUKSION" МҲЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мировбод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яксарор тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

